



?Одиллар Аллоҳнинг ҳузурида, икки қўли ҳам ўнг бўлган Раҳмон зотнинг ўнг томонида нурдан бўлган минбарларда бўладилар

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анҳумодан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганлари ривоят қилинади: «Одиллар Аллоҳнинг ҳузурида, икки қўли ҳам ўнг бўлган Раҳмон зотнинг ўнг томонида нурдан бўлган минбарларда бўладилар. Улар – ўз ҳукмларида, аҳлларида ва ўзлари бошлиқ бўлган (барча) нарсаларда адолат қиладиганлардир».

[Sahih/Authentic.] [Muslim]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда ўз ҳукмларида, аҳлларида ва ўзлари бошлиқ бўлган (барча) нарсада адолат қиладиганлар қиёмат куни олий, баланд ва нурдан яралган минбарларда ўтиришларини хабар бердилар. У минбарлар Раҳмон таолонинг ўнг томонидадир ва У Зотнинг икки қўли ҳам ўнгдир.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/4935>

